



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 27 май, № 103 (6538)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



«УНИВЕРСИАДА — 2016» СПОРТ ҲАММАНДА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадри фарзандларим! Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари! Авваламбор, сиз, азизларни бугун барча-барча ёшларимизнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг эътиборини ўзига тортаётган талаба ёшларнинг спорт байрами бўлмиш Универсиада ўйинларининг тантанали очилиши билан самимий муборакбод этаман.

Ўзининг гўзаллиги ва бетакрорлиги билан «олтин водий» деб ном олган сўлим диёрда алоҳида ажралиб турадиган Фаргона шаҳрида янгитдан қурилган мана шу муазам стадионни биринчи бор байрамона кайфиятда тўлдириб ўтирган сиз, азиз юрдошларимга, сизларнинг тимсолонингизда бутун Фаргона аҳлига чин қалбимдан хурмат-эҳтиромимни ва эзгу тилакларимни билдириш — мен учун ҳақиқатан ҳам катта шарафдир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун бошланаётган Универсиада беллашувлари Ватанимиз мустақиллигининг қўлғи 25 йиллик байрами арафасида бўлиб ўтаётгани унга чуқур мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Албатта, бугунги нуфузли мусобақаларга етиб келиш сизларга осон бўлмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Саралаш босқичларида иштирок этган 165 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз орасидан фақат 900 нафар қатнашчига бундай юксак бахт насиб этгани бу беллашувларнинг нақадар кескин ва муросасиз ўтганидан, сизларнинг тинимсиз кураш, бақувват ирода ва маҳорат ҳисобидан бугунги марраларга етиб келганингиздан далолат беради.

Мамлакатимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган, уч поғонадан иборат ноёб тизимнинг юқори босқичи бўлмиш Универсиада ўйинларида қатнашиш шарафига эришиш ва маҳоратингизни намойиш этишининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, улкан ғалабадир, десам, асло хато бўлмайди. Барчангизни ана шундай катта ютук билан қизгин табриклар, сизларга ўзининг самимий меҳрим ва ишончимни билдириб, бўлғуси беллашувларда омад ва зафарлар тилайман!

Азиз болаларим! Ҳаммамизга хурсандчилик етказадиган мана шундай шуқулли кунда мустақиллик йилларида озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимиз салоҳияти ва кудратини юксалтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлида қандай улғувор ишларни амалга оширганимиз беихтиёр ҳаёлимизга келади.

Бугунги кунда ана шундай ёшларимиз қаторида Руслан Нуриддин, Светлана Радзивиц, Ихтиёр Наврўзов, Вадиқ Меньков, Гулназа Матниёзова, Аббос Раҳмонов, Нафиса Мўминова, Бекзод Абдураҳмонов, Бектемир Мелиқўшиев, Ситора Ҳамидова, Ҳасанбой Дўсмонов, Екатерина Воронина, Жасур Бойқўшиев, Раъноҳон Омонова, Дирбек Ҳўрозбоев, Марина Хмельская, Зоҳид Кенжаев сингари маҳоратли спортчиларимиз ўзларининг дастлабки зафарли қадамларини айнан Универсиада ўйинларида бослагани бу беллашувлар ўғил-қизларимиз учун ҳақиқатан ҳам «парвоз майдончаси» бўлиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Мен, сиз, азиз фарзандларимнинг халқроқ майдонларда — бу илм-фан, маданият ва санъат бўладими, спорт мусобақалари бўладими, барча соҳаларда эришаётган умидбахш ютуқларингиз ҳақида қачонки айтишсам, хабар топсам, хурсандчилигим, сизларга бўлган меҳрим ва ишончим янада зиёда бўлади, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.

Барчангиз яхши хабардорсиз, ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида замонавий олий маҳорат спорт мактабларини барпо этиш бўйича қабул қилган дастуримиз асосида катта амалий ишлар олиб боришмоқда. Узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган бу дастур мамлакатимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, уни янги, юксак босқичга кўтаргани муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиздир.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бу йилги Универсиада мусобақаларида олимпия ўйинлари дастурига киритилган бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо, оғир атлетика каби бешта спорт тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтиши, табиийки, бу ўйинларнинг нуфузи ва аҳамиятини янада оширади.

Ушбу мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун мамлакатимизда ҳар томонлама катта тайёргарлик ишлари амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Биргина Фаргона шаҳрининг ўзида 37 миллиард 215 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган ва энг юқори талаблар асосида жиҳозланган ўнлаб янги спорт иншоотлари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт заллари ва бошқа объектлар бугун сизларга ўз эшикларини очмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пузратчи ва хомий ташкилотларга, шу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга, кўпни кўрган, меҳнаткаш Фаргона аҳлига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Қадимий ва саховатли Фаргона заминидан ўзаро хурмат ва дўстлик руҳида, қизгин кураш билан ўтадиган Универсиада ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади, деб ишонаман.

Азиз фарзандларим, қадрли юрдошлар! Бугунги тез суръатлар, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, халқроқ майдонда тобора кескин тус олаётган рақобат кўпчилик мамлакатлар қаторида биздан, авваламбор, белини маҳкам боғлаб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кираётган сиз, навқирон ёшларимиздан янгича фикрлашни, энг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллашни, Ватанимизнинг тақдирини ва эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммангизга олишга қодир бўлишни талаб этмоқда.

Бундай юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиқариши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда бутун борлигини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор.

Шу маънода, аввало, ўзига талабчанлиқни ошириш, қатъий интизомга риоя қилиш, ўз олдида қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини ишга солиш, ҳаётда кураши бўлиб яшаш, мардлик ва матонат каби ҳусният ва аломатларни фақат спортга ёшликдан ихлол қўйиб, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганиш, машаққатли машқларда тобланиш орқали тарбиялаш мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигинизни истардим.

Менин сиз, азиз болаларимга тилагим шуки, мана шундай олижаноб фазилатлар бугун спорт майдонларида, эртага ҳаёт майдонларида ҳар бирингизга ҳаммиса ёр бўлсин!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги ёшлик ва спорт байрами билан яна бир бор чин юракдан қўтлар эканман, сизларга сўхат-саломатлик, бахту саодат ва зафарлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2016/2017 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақаларида талаб этиладиган иختисосликлар бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабул қилишда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг мақсадли ўрта мuddатли дастурларини амалга ошириш, тармоқларни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашни, мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигини кучайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, акциядорлик компаниялари, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги «Республика олий ўқув юртига қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2360-сонли қарорига мувофиқ, олий ўқув юртига қабул қилиш параметрлари ва янги қўрилган корхоналарнинг худудий жойлашуви, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктураларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш омилини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртиларининг битирувчиларига нисбатан иш берувчиларнинг талаб-эҳтиёжи баланс ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилсин;

иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминланганини экспертизадан ўтказиб баҳолаш натижаларига кўра, бакалаврият тайёрлашнинг 18 та янги мутахассислиги жорий этилишини назарда тутувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатига тегишли ўзгаришлар киритилсин;

олий ўқув юртиларининг аниқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёжга, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги асосида 2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2016/2017 ўқув йили учун: бакалаврларни 57907 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19120 ва тўлов-контракт асосида — 38787 нафар миқдорига 1-иловага мувофиқ; магистрларни 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1548 ва тўлов-контракт асосида — 3452 нафар миқдорига 2-иловага мувофиқ;

Тошкент кимё-технология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртки бўлимида бакалаврларни тайёрлаш давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида — 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 15 нафар ва тўлов-контракт асосида — 35 нафар қабул қилиш умумий квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалига ўқишга қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида етакчи университетлар ва олий ўқув юртилари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг қўламада иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишни таъминлашни, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни,

бакалаврият ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун биринчи навбатда фундаментал ва техник мутахассисликлар бўйича етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин;

олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо беришда ва моддий рағбатлантиришда уларнинг хорижий тилларни қай даражада эгаллаганлигига ҳамда замонавий педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида қўллаб олиш савиясига аҳамият берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармонида биноан ташкил қилинган мамлакат олий ўқув юртиларининг 15 та таянч марказларида олий таълим муассасаларининг раҳбар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг янги ўқув дастурлари ва таълим услублари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни 2016 йилнинг 1 июлидан ташкил қилишни таъминлаш, шу мақсадда чет эллардаги етакчи олий таълим муассасаларининг олимлари ва профессорларини кенг жалб қилсин.

5. 2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси)нинг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига бакалаврият тайёрлашнинг йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда бакалаврият ва магистратурага қабул қилишнинг белгиланган умумий квоталари доирасида олий таълим муассасаларига қабул қилиш параметрларига ўзгаришлар киритиш ҳўкуқи берилсин.

6. Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта мuddатда ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификаторига янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган тартибда ўзгариш ва қўшимчалар киритсин;

шу йилнинг 1 августига қадар янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2016/2017 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага қабул қилиш бўйича белгиланган квоталарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази билан биргаликда:

бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзларининг идоравий меърийд-ҳўкуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 май

Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами

Фаргона шаҳрида олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



«Биздан озод ва обод Ватан қолсин!»

Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг пировард мақсади дир. Зеро, юртимизда қўлга киритилаётган оламшумул ютук ҳамда марраларнинг барчаси, энг аввало, инсон манфаатлари, хусусан, ёш авлоднинг бахту

саодати, ёруғ келажагини таъминлашга қаратилган.

Шу маънода, бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган, дунёда ўхшаш йўқ уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиада спорт ўйинларининг жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фарзандларимизни Ватанга

муҳаббат ва садоқат руҳида, тинчлигимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаб, шўкроналик ҳисси билан яшайдиган, юрт кудратига, жаҳон ареналарида Ўзбекистон байрогини баяндаётган муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс.

(Давоми 2-бетда).



● Олий ўқув юрти талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари жорий йилда еттинчи бор ўтказилмоқда.

● Беллашувлар ташкил этиладиган объектларда умумий қиймати 37,2 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

● Мусобақалар иштирокчилари волейбол, баскетбол, футбол, кўл тўпи, бокс, енгил атлетика, дзюдо, сузиш, теннис, стол тенниси, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши ҳамда шахмат бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

● Бахслар халқаро Олимпиада талабаларига қатъий амал қилган ҳолда уюштирилди.

● «Универсиада — 2016» беллашувлари натижалари билан www.universiada-2016.uz сайти орқали ҳам танишиб бориш мумкин.

Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).


Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби миллий спортимиз ифтихорига айланган ёш чемпионларимизнинг олашмуш ютуқларига айнан Универсиада мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани барчамизга яхши маълум.

Бугун сўлим водий гавҳари — Фарғонада ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — Универсиада — 2016 шукхи ҳукм сураётди. Виллоят аҳли, бу ерга ташриф буюрган талаба-ёшлар, мураббий мутасаддилар, қисқиси, барча-барчада кўтаринки кайфият... Хибобу майдонлар кўркам қиёфа касб этган. Гулу гулзорлар бу ажойиб кентга ўзгача файз бағишлаган. Бинолар замонавий кўриниш олган. Кўчаларда беллашувлар руҳини акс эттирувчи суратлар туширилган баннерлар, паннолар...

Айтиш жоизки, олий ўқув юрталари талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари жорий йилда еттинчи бор ўтказилмоқда. Унинг бу галги финал босқичига Фарғона вилояти мезбонлик қилиши муносабати билан ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ва кўчаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, Фарғона, Маърифат, Мураббийлар каби марказий кўчалар тубдан таъмирланиб, қарийб 5 километрик йўл реконструкция қилинди. Беллашувлар ўтказилган объектларда умумий қиймати 37,2 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Спорт заллари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди. Фарғона давлат университетидан 3 минг 200 ўринли футбол майдони, ёпиқ сузиш хавзаси, учта волейбол майдони ва енгил атлетика йўлакчалари фойдаланишга топширилди. Фарғона политехника институтидан эса талабаларнинг 4 та тураржойи ҳамда 600 ўринли ошхонада қайта таъмирлаш юмушлари амалга оширилди. 1200 тупдан зиёд манзарали дарахт қўчатлари ўтказилиб, махсус йўлақлар барпо этилди. "Истиклол" стадиони, теннис корти, Олимпия захиралари спорт коллежи ва бошқа иншоотларда ҳам шундай ўзгариш ва янгиланишлар рўёбга чиқарил-

ди. Ўз навбатида, улар зарур спорт жиҳозлари ҳамда инвентарлар билан таъминланди.

Айтиш жоизки, Универсиада иштирокчилари волейбол, баскетбол, футбол, кўл тўпи, бокс, енгил атлетика, дзюдо, сузиш, теннис, стол тенниси, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши ҳамда шахмат бўйича ўз маҳоратларини намойиш этидилар. Қоидага мувофиқ, бахслар халқаро Олимпиада талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, тотувлик каби Олимпиада қадриятлари мазкур



— Талабаларимиз футбол, кўл тўпи, бокс, стол теннисидан юксак натижаларни қайд этишига ишончимиз комил.

Куннинг иккинчи ярмида қатнашчилар учун Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Қува туманидаги ёдгорликлар бўйлаб саёхатлар уюштирилди. Маданий-маърифий дастурлар доирасида эстрада хонандалари, машҳур спортчилар, таниқли ижодкорлар, баркамол авлод вакиллари билан учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилди. Мехмонлар Фарғона шаҳридаги ўзгаришларни "Асрга тагиғулик яратувчанлик ва бунёдкорлик" дея таърифлашди.

26 май оқшоми. Фарғона шаҳридаги "Истиклол" стадионидан чорлов мусиқиси янграйди. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади. Спортчилар тантанавор саф тортади.

Фарғона вилояти ҳоқими Ш. Ғаниев "Универсиада — 2016" спорт ўйинларини очиб, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз табриги гулдурас қарсақлар билан кўтиб олинди. Талаба-ёшлар, маросим иштирокчилари диёримизда келажакимиз эгаларининг ҳар томонлама баркамол воғга этиши йўлида бекиёс ишлар қилинаётганини яна бир бор юракдан хис этдилар. Кўнгиллар фахру ифтихор туйғусига тўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, мамлакатимиз байроғи ҳамда "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари байроғи кўтарилди. Спортчи ёшлар бўлажак бахсларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб боришга тантанали қасамёд қилди.

Дилларда ҳаяжон. Нигоҳлар майдонга тантанали тарзда олиб кирилатган "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари машъаласига қаратилди. У аънабога мувофиқ, Паркентдаги Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика — Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтидан аланга олдирилган. Машъала махсус автомобиллар қорғи хамроҳлигида Фарғона шаҳрига етказиб келинди. У олиб ўтилган ҳар бир ҳудуд аҳолиси бу унутилмас онларнинг гувоҳи бўлиш мақсадида пешвоз чиқиб, кўлларидан байрам руҳини акс эттирувчи шорлар, байроқлар билан олқишлаб туришди.

"Универсиада — 2016" спорт ўйинлари машъаласини бокс бўйича ўсириллар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, ўсириллар Олимпиадаси голиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони Савриндори, Олимпиада йўлланмаси соҳиби Бектемир Мелиқўзиев ва теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ҳамда 2014 йил Наманганда ўтган "Баркамол авлод" ўйинлари совриндори, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвинос Саидхўжаева ёқди.

Машъала тафти дилларга ажиб бир илқиклик, қувонч улашди. Майдон узра олқишлар янгради. Йиғилганлар бир тану бир жон бўлиб спортчиларга омад тилади. Аланга мусобақалар давомида ёлқинлиб туради.

Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар томонидан катта концерт намойиш этилди. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди. "Универсиада — 2016" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мияров иштирок этди.

С. МАХСУМОВ, Н. СОБИРОВ, Х. ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.



тизимдаги спорт ўйинларининг ҳам бош мезони ҳисобланади.

Мусобақаларни атрофлича ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари жалб қилинган. Ўз навбатида, беллашувларнинг бориши, жамоалар кўлга киритаётган натижалар, қатнашчиларнинг ёрқин лаҳзалари муҳрланган суратлар билан интернетда махсус ташкил этилган www.universiada-2016.uz сайти орқали ҳам танишиб бориш мумкин. Мазкур веб-саҳифага маълумотлар ўзбек тилидан ташқари, тўртта хорижий тилда жойлаштирилади.

26 май кунини эрта тонгдан "Фарғона" халқаро аэропортида "Универсиада — 2016" спорт делегациялари тантанали равишда кутиб олинди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, миллий либосдаги йигит-қизлар карнай-сурнай садолари остида мехмонларга пешвоз чиқишди.

— Дастлабки таассуротларимизнинг ўзи бир олам, — дейди Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси Азиз Мирзаев. — Фарғона ахлининг меҳмондўстлиги ва самимиюлигини кўнглимиз тоғдек кўталашувларнинг бориши, жамоалар кўлга киритаётган натижалар, қатнашчиларнинг ёрқин лаҳзалари муҳрланган суратлар билан интернетда махсус ташкил этилган www.universiada-2016.uz сайти орқали ҳам танишиб бориш мумкин. Мазкур веб-саҳифага маълумотлар ўзбек тилидан ташқари, тўртта хорижий тилда жойлаштирилади.

Бокс бўйича Самарқанд вилояти терма жамоаси мураббийи Баҳодир Хасановнинг таъкидлашича, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Азиз Шукуров ва Меҳрож Мавлоновдан жамоанинг умиди, айниқса, катта.

— 90 нафардан иборат делегациямиз таркибидан энг маҳоратли спортчилар жамланган, — дейди Самарқанд давлат университети ректори Алимжан Холмухамедов.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Маълумки, парламент назоратининг қонунчиликда мустаҳкамланган замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш, шу жумладан, мамлакатимизнинг энг муҳим иқтисодий ҳужжати — Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш сиёсий партиялар фракциялари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Авал хабар қилинганидек, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот депутатлар томонидан дастлабки тарзда муҳокама этиш асосида қўриб чиқилди.

Депутатлар Давлат бюджетни муҳокама қилмоқдалар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси йиғилишида мазкур ҳисобот ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати — Давлат бюджетини қабул қилиш бўйича миллий парламентда ўзига хос шакланган механизм солик ҳамда бюджет сиеёсатининг асосий йўналишларини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Йиғилишида 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил ҳамда тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларга ҳамда макроеқтисодий мувозанатга эришилгани, бу жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам сақлаб қолингани, буларнинг барчаси иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани таъкидланди.

Фракция аъзолари Давлат бюджетини ҳамда мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ижросини партия электротининг манфаатлари ва сайловолди Дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш нуктаи назаридан муҳокама қилишди. Хусусан, йил давомида мелиоратив объектлари қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича олиб борилган пудрат ишлари, жумладан, очик ва ёпиқ дренаж тармоқлари, мелиоратив насос станицялари ҳамда бошқа муҳим мелиоратив ва гидротехник иншоотларни қуриш ҳамда қайта қуриш саъй-ҳаракатлари диққат-эътиборда бўлди.

Фракция аъзолари муҳокама-ларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Давлат бюджетининг ижроси тасдиқланган параметрларга мувофиқ таъминланганлигини эътироф этишди.

Ўзбекистон "Миллий тиклиши" демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси йиғилишида жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар, салбий тенденциялар ва бозор қонъюктурасидаги беқарорликларга қарамастан, Ўзбекистонда Давлат бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан профитци билан ижро этилгани таъкидланди. Дунёдаги айрим ривожланган давлатларда ижтимоий соҳа харажатлари қисқартирилётган бир пайтда мамлакатимиз бюджетини ижтимоий соҳага салмоқли маблағ йўналтириш билан бошқалардан ажралиб туради.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ва жорий йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама қилишди.

Айтиб ўтилганидек, Давлат бюджетини асосий параметрларининг ижросини таъминлашда тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантиришга оид изчил ислохотлар, иқтисодийнинг диверсификация қилиш ҳамда таркибий ўзгариши, ишлаб чиқаришга замонавий, илгор технологияларни жорий этиш, жаҳон майдонига миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга эътибор қаратилган. Бу эса давлатимиз раҳбарли томонидан 2015 йилга белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

устувор йўналишлари ва вазифалари тизимли амалга оширилгани, пировардида иқтисодиётнинг юқори ҳамда барқарор суръатларда ўсиши таъминланганини кўрсатмоқда.

Фракция аъзолари, шунингдек, мамлакатимизнинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий меросини асраб-авайлаш ва сақлашга йўналтирилган сарф-харажатлар қўламини ҳар томонлама таҳлил қилдилар. Ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан сарфланган маблағлар юртимиз маданий ҳамда археологик мерос объектларида таъмирлаш ва консервация ишлари ни амалга ошириш бўйича дастурлар ижросини таъминлашга хизмат қилаётди.

Муҳокама қилинган фракция аъзолари томонидан "Ўзбекистонда ишлаб чиқариш" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаётган ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Бюджет кодекси моддаларини амалга оширишда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи ташкилотлар мансабдор шахсларининг масъулиятини юксалтириш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш, шу орқали молиявий интизомга риоя этилишини тўла таъминлаш ҳамда бошқа масалалар фракция аъзоларининг диққат-эътиборида бўлди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи йиғилишида 2015 йилда Давлат бюджетидан атроф-муҳит, хусусан, атмосфера ҳавоси ва сув ҳамда ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига, оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ҳамда қайта таъмирлашга, ўрмон-

чилик ва кўчаламзорлаштириш, биохиломхилликни ҳамда муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва янгиларини барпо қилишга, шунингдек, экологик йўналишдаги бошқа тадбирларга сарфланган маблағлар масаласи атрофлича таҳлил қилинди.

Чунинчи, мамлакатимизда атроф табиий муҳит давлат мониторингини ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси юзасидан давлат дастурларини амалга ошириш бўйича тадбирларга Давлат бюджетидан жами 9 млрд. сўмлик маблағ сарфланган. Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш дастури доирасидаги ишларга 170,2 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилган.

Муҳокама қилинган чора-тадбирлар гуруҳи аъзолари соҳага белгиланган инвестициялардан фойдаланиш самардорлигини, Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофазат қилиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган маблағлар ҳажми ошганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш, атроф-муҳитни муҳофазат этиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга қаратилган дастурларнинг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ижросини тўла таъминлаш юзасидан фикрлар билдирилди.

Йиғилишларда фракциялар ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари Давлат бюджетини ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуладилар.

Зиёда АШУРОВА.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Қурилиш саноатида истиқболли лойиҳа

Қорақалпоғистон Республикаси

Оролбўйи минтақасида 2013 — 2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, қурилиш материаллари саноатида 103,9 миллион сўмлик ва 3 миллион АҚШ долларлик 277 та лойиҳа амалга оширилиб, 5369 та иш ўрни яратилди.

Хусусан, Нукус шаҳридаги "Нукус евро строй" маъсулияти чекланган жамияти бундан икки йил аввал тўрт киши билан фаолият бошлаган эди.

Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган мазкур тадбиркорлик субъектида ҳозир 23 нафар киши меҳнат қилапти.

— Қорхонамиз 442 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланганча, бўёқ, курук қурилиш аралашмаси, сувли эмульсия, брусчатка тайёрлаш имконияти юзасига келди, — дейди тадбиркор Азат Шимбергенов. — Ҳозир ойига 220 миллион сўмлик, ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берамиз.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарадорлик беш баробар ортди

Сурхондарё

Бойсун туманидаги "Неъмат Инвест савдо" маъсулияти чекланган жамиятида амалга оширилган кенг қўламли техник ва технология янгиланишлардан сўнг унинг ишлаб чиқариш қуввати беш баравар ортди. Натижада бу ерда сархил мевалардан кунига 10 тоннагача 8 турдаги шарбат тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Усуналаримиз автоматик равишда ишлайди, — дейди жамият раҳбари Саодат Атоева. — Илгари бир соатда 600 дона идиш қадоқланган бўлса, айни пайтда мазкур кўрсаткич уч минг донегача этиди. Ушбу янгиланишларни бажаришда банкнинг 53 минг АҚШ долларлик кредитидан самарали фойдаландик.

Эътиборлиси, ҳозир бундай илгор дастгоҳларни қасб-хўнар коллежларининг ўнга яқин битирувчиси бошқармоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чиқитсиз технология афзаллиги

Қашқадарё

Шахрисабз туманидаги "Аҳмедов Ақтам Бухорович" маъсулияти чекланган жамиятида иккиламчи хом ашё — қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаб, ундан ўттиздан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Бизда барча жараён чиқитсиз технология асосида амалга оширилади, — дейди цех иш бошқарувчиси Ортик Аҳмедов. — Маҳсулотлар-

римизга тўқимачилик, ёғмо саноати ҳамда қандолатчилик корхоналаридан қўллаб буюртмалар тўшмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхонада замонавий технология воситасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳамда коллежнинг 14 нафар битирувчиси бандлигини таъминлаш имконини берди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уй шароитида ҳам фойдаланиш мумкин

Хоразм

Хонқа туманидаги "Люкс спорт инвертер" хусусий корхонасида янги турдаги маҳсулот — велотренажёрлар ишлаб чиқаришга киришилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўмдан зиёд сармоя йўналтирилди. Натижада корхонада тайёрланаётган спорт жиҳозлари тури олтигача етди.

— Маҳсулотларимиз сифати хорижикидан асло қолишмайди, нарх эса нисбатан арзон, — дейди корхона раҳбари Қудрат Иноятов. — Улар уй шароитида спорт билан мунтазам шугулланиш истагидиларга манзур бўлапти. Шу боис буюртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Келгусида югуриш тренажёрлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйишни мўлжаллапмиз.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сунъий толадан сифатли маҳсулот

Навоий

Зарафшон шаҳрида 2,5 миллиард сўм миқдоридagi инвестиция ҳисобига "Orianna" қўша корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада бу ерда йилга 720 тоннагача сунъий толадан калава ип тайёрлаш имконияти юзасига келди.

— Ҳозирги кунда 100 нафарга яқин кишиларни иш билан таъмин-

лаганмиз, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Тулаганов. — Келгусида модернизациялаш лойиҳалари ижроси эвазига ишлаб чиқариш қувватини оширишга эришамиз. Шунингдек, жамоамиз аъзолари сони 150 нафарга етади.

Айни пайтда "Orianna" маҳсулотларининг 70 фоизини экспорт қилиш юзасидан иланишлар олиб борилапти.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "Илмий мунозара: тилшуносликда муаммо, ечим ва ютуқлар" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди қатор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда "Ёшлар босма оммавий ахборот воситалари веб-сайтларини ривожлантиришнинг долзарб масалалар" мавзусида семинар ўтказди.

● Самарқандда "Хаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

● Андижон вилоятининг Асака туманида "Мустақил давлат фермерлари — дунё эътифосида" мавзусида амалий семинар уюштирилди.

● "Юрт келажак" кўрик-танловининг Жиҳаз вилояти босқичи якунланди. "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида қатнашган йигит-қизларнинг 29 нафари танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Маҳалла аз элдангинагина миллий қадриятлар ва эзгу амаллар маскани бўлган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ҳамда тотувлик, эҳтиётманд инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар бошини силлаш, тўй-томоша, ҳашар ва турли тадбирларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос анъаналар шу масканда шаклланиб, сайқал толган. Истиқлол йилларида маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ортиб, шунга мос равишда ваколатлари кўлами ҳам кенгайиб бораётди.

Мустақилликнинг дастлабки даврида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасида фақат иккита вазифа бўлган бўлса, бугунги кунда мазкур институт 30 дан ортиқ вазифаларни самарали бажариб келяпти. Аҳолининг аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий кўллаб-қувватлаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватан ҳамда истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудудларни ободонлаштириш шулар жумласидандир.

Табиики, маҳалла институти нуфузини янада ошириш ва унинг кенг кўламли ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда айни чоғда юртимиз бўйлаб ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлов муассасаси ҳамкорлигини самарали ташкил қилиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлашда йиғин ҳодимларига кўмакдош ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭЗГУ АМАЛЛАР МАСКАНИ

Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали ташкил қилиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлашда йиғин ҳодимларига кўмакдош ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси маълумотларига кўра, шу кўнганча мамлакатимиз бўйича 5 минг 700 нафарга яқин фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг қарийб 60 минг нафар маслаҳатчилари ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенглик принциплари асосида сайланди. Айни пайтда улар ўзларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини таъминлашга киришмоқда. Хусусан, сайлов бўлиб ўтган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари органлари шакллантирилганлиги, сайланган маслаҳатчилар жамоатчилиги комиссиялари раислари сифатида ушбу тузилмалар ишини самарали ташкил қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишмоқдалар.

Маҳалламиз тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришаётди, — дейди Урганч шаҳридаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия раиси С. Йўлдошев. — Ҳудудда 7 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз йилдан-йилга обод ҳамда кўркам бўлиб бормоқда. Бу борада, албатта, тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Айниқса, мебелсозлик жадал тараққи этиляпти. Тикувчилик ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, аёллар гўзаллик

тадбиркорлик фаолиятига киришмоқда. Уларга кредит ва ер ажратилиши каби масалаларда кўмаклашялмиз. Умуман олганда, маҳалламиздаги тадбиркорлик субъектларида 300 нафардан ортиқ киши иш билан банд. Жорий йил охиригача соҳани ривожлантириш эвазига яна юздан зиёд иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш мақсадидамиз.

Нукус шаҳридаги "Богчилик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 3 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Сайловга пухта тайёргарлик қилинган бу ерда бўлиб ўтган вакиллар йиғинида кўзга аққол ташланди. Маҳалла раиси лавозимига икки, маслаҳатчилар вазифаларига 20 нафар номзод кўрсатилган эди. Пировардида энг муносиб номзодлар сайланиши таъминланди.

Ҳудудимиз билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш янги сайланган раис ҳамда унинг маслаҳатчилари билан ҳамда тажрибали, шу билан бирга, фаоллиги ташаббускорликни талаб қилади, — дейди мазкур йиғин раиси маслаҳатчиси, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия раиси Б. Бобоҷонов. — Маҳалламизда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, аҳолининг ҳуқуқли ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимизни бошлаб юбордик.

Кунги кеча ҳудудимиздаги "Нукус универсал базаси"га қарашли озиқ-овқат дўкони фаолияти билан танишдик. Мазкур савдо дўко

ни томонидан кам таъминланган оилаларга кўмаклашилаётгани ва аҳолига сифатли товарларни сотиш бўйича хизматлар кўрсатилаётгани маълум бўлди. Бундай ижобий ҳолат ҳудудимиздаги тадбиркорлик субъектлари — миллий кийимлар ҳамда уй-рўзгор буюмлари цехлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Қўшработ тумани "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда ҳам демократик тамойиллар устуворлик қилди. Пировардида фуқаролар вакиллари ўзлари ишонган номзодларни раис ва унинг маслаҳатчилари сифатида танлаб олишди.

Ўз навбатида, мазкур йиғиндаги Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари эртанинг эгаларини маънавий-маърифий етук бўлиб ўлгайиши ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун

масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар пировардида маҳалладошларимизнинг тотувлигини, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва ҳудудий ижтимоий дастурлар ижросини таъминлаш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирларни амалга ошириш, спорт майдончаларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, йўл, кўприк, кўча ва коммунал тармоқларни барпо этиш, қабристонларни тартибга келтириш билан боғлиқ ишларга кўмаклашиш Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш бўйича комиссияларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Маҳалламиз узоқ йиллик тарихга эга, — дейди Асака туманининг "Шодлик" маҳалла-сидига мазкур комиссия раиси М. Солиева. — Ҳудудимизда туман маданият ҳамда истироҳат боғи жойлашган. Ушбу дам олиш масканининг икки ёнидан қадимий ариқлар оқиб ўтади. Маҳалладошларимиз ҳам шу ариқларни тозалашди. Ҳозир эса эски сув

чархпалакларини таъмирлаш ишларини олиб бораёلمиз. Дарахтларни асраш, янги кўчатлар экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободончилик тадбирларини қулайтиришни ҳам иш режамизга киритганмиз. Ушбу хайрли юмушларни туман табиати муҳофаза қилиш инспекцияси, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, "Қамолот" ЕИХнинг бошланғич ташкилотлари ҳодимлари, профилактика инспекторлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширамиз. Учқудук туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада 5800 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Яқинда мазкур фуқаролар йиғинида очкилик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтган сайловда кўпчилик вакилларнинг овозини тўплаган номзодлар раис ҳамда унинг маслаҳатчилари сифатида фаолиятини бошлади.

Ҳудудимиз ободлиги ва унинг гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан янги сайланган раис ҳамда маслаҳатчиларга боғлиқ, — дейди шу маҳалла фуқаролар йиғини раис маслаҳатчиси, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Р. Остонаева. — Бундан юракдан ҳис этиб, олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб олдик. Шунингдек, комиссиямизнинг истиқболдаги режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, маҳалламизда хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, хусусан, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали турмуш фаровонлигини бундан-да яхшилашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этмоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Лондон биржасида "Brent" типидagi нефтнинг бир баррели 50,18 АҚШ доллари баҳоланди.

«Қора олтин» нархи яна ошди

Бу ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери кўзга ташланган энг юқори кўрсаткичдир. Мутахассисларнинг билдиришича, мазкур қиймат яна ошиши мумкин. Бунга «қора олтин» қазиб чиқаришнинг камайгани ва экспортлар АҚШда белгиланган кунлик захира миқдорини тахмин қилишда қарийб бир миллион баррелга адашшигани сабаб бўлгани айтилмоқда. Июль ойи учун



Белгиланган фьючерс шартномаларига кўра эса, "WTI" маркали углеводород хом ашёси бир баррелининг нархи 0,94 фоиз кўтарилиб, 49,56 долларга етган.

Афсонавий двигателдан воз кечилади

Дунё автосаноатида ўз ўрнига эга бўлган "Bentley" компанияси (Буюк Британия) 1959 йилдан бери седан ва кабриолет русумидаги автомобилларига ўрнатиб келинган, L-сериядаги, 8 цилиндрли "6,75" двигателларидан воз кечмоқчи.

Бу ҳақда компания раҳбари Вольфганг Дюрхаймер "Car&Driver" нашрига берган интервьюсида маълум қилган. Унинг қайд этишича, компания вакиллари шу кунларда қарийб минг от кучига эга бўлган 12 цилиндрли янги мотор устида иш олиб бораёлапти. Замонавий модель тез орада ҳаётга йўланма олади.



Тирбандликка мўлжалланган автобус

"China Beijing International High-Tech Expo" кўргазмасида намойиш этилган "Transit Elevated Bus" автобуслари лойиҳаси жаҳонда катта қизиқиш уйғотди.

Гап шундаки, бу жамоат транспортидан машиналар оқими кўпайган маҳалларда ҳам самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Чунки у алоҳида конструкцияга эга бўлиб, йўловчилар кабинаси ердан 2,1 метр баландликда жойлашади ва икки томондаги гилдирақлар ораси ўзига хос тоннель вазифасини бажаради. Натижада тирбанд кўчалар бўйлаб автомобиллар узра сайр қилганча, манзилга бемалол етиб олиш мумкин.



Бир вақтнинг ўзида 1400 нафар кишини автотира оладиган ушбу автобус электр энергияси ёрдамида ҳаракатланади. Унга йўловчилар автоматик равишда йиғилганда махсус трап ёрдамида чиқиб-тушадилар.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади. «Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 10 июнь кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 июндаги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонқўл» ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран кўйилмоқда: 1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001-литердаги маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 65 263 761 сўм. 2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002-литердаги қоровулхона. Бошланғич баҳоси — 6 841 109 сўм. 3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 11 695 690 сўм. 4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0004-литердаги омборхона. Бошланғич баҳоси — 18 477 490 сўм. 5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошланғич баҳоси — 20 500 808 сўм. 6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005-литердаги ёрдамчи бино. Бошланғич баҳоси — 3 371 009 сўм. 7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006-литердаги омборхона. Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади. «Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 29 июнь кунин соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда: 1. Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги 15-15-08/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 7522,27 кв.м., фойдаланиш майдони 9477,83 кв.м. бўлган, 0001 — 0006, 0009, 0011 ва 0012-литерлардаги уч қаватли марказий универмаг. Бошланғич баҳоси — 3 750 000 000 сўм. 2. Қўқон шаҳар СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2015 йил 26 июндаги 87-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, ер майдони 23959,93 кв.м., қурилиш ости майдони 2098,84 кв.м., фойдаланиш майдони 4241,15 кв.м. бўлган, 0001 — 0004-литерлардаги қурилиш тугалланмаган автокемпинг. Бошланғич баҳоси — 1 259 385 605 сўм. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 13 июнь кунин соат 17.00 да тўхтатилади. Қўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиновий кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-6059, (+99890) 231-38-59. Хизматлар лицензияланган.

«Universal realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф этади. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Эҳтиром (собик Примкулов) кўчасида жойлашган, асосий биноларнинг сонини 20 та бўлган бино-иншоотлар кўйилмоқда. Ер участкасининг умумий майдони — 41055,95 кв.м., қурилиш ости майдони — 9773 кв.м., фойдаланиш майдони — 10989,83 кв.м. Бошланғич баҳоси — 4 160 121 499 сўм. Шунингдек, юқоридаги бино-иншоотларда жойлашган қуйидаги мулклар аукцион савдосига кўйилмоқда: * Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан) 2 (RBD) 8 мм.дан 1 мм.гача. Бошланғич баҳоси — 533 382 277 сўм. * Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан) 1 Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача. Бошланғич баҳоси — 1 159 894 790 сўм. * Экструдер (Extrusion va-chine) QLVG-650 №0110/1500N/1-8 мм. Бошланғич баҳоси — 444 485 231 сўм. * Индукцион типдаги мисни эритувчи «Upward Custing» печи. Хизматлар лицензияланган.

АТИБ «Ипотека-банк» танлов эълон қилади. Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уйда жойлашган, «Ипотека-банк» бош офиси биносида ёнгин-химия ва хавфсизлик сигнализациясини ишга тушириш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади. Тақлифлар 2016 йил 1 июнганча қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-98-06, 150-89-13. Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»

26 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ана шу шиор остида аънанавий «Китоб байрами» бошланди.

Бугун чинакам айём, маънавият, маърифат аҳли, умуман, китобсеварлар интиқ бўлиб кутган кун. Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди, шу жумладан, пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам республика «Китоб байрами» тадбирлари ўтказилмоқда.

ШУКУҲ

Халқимиз — китобсевар. Улуг аждодларимиз умр бўйи илм излаб, оламнинг моҳиятини англашга, бемисл нафосат ҳамда гўзалликдан баҳра олиб яшашга интилганлар. Истиқлолга эришганимиздан сўнг китобга, ноширлик ва матбаа соҳасига бўлган эътибор янада кучайди. 1991 йилга қадар республикада атиги тўққизта наширёт фаолият кўрсатган бўлса, ордан қарийб чорак аср ўтиб, улар сони юздан ошди. Ўз навбатида, мустақилликкача 149 матбаа корхонаси мавжуд бўлса, ҳозирги кунда бундай корхоналар бир минг етти юздан зиёда ташкил этади. Улар томонидан 2015 йилда беш мингга яқин номда эллик миллион нусхада адабиётлар чоп қилинган. Албатта, буларнинг барчаси Президентимизнинг маънавият ривожига, ёшлар тарбияси йўлидаги бекиёс гамхўрлиги маъсулидир.

Китобхонликни тарғиб этувчи халқ нақллари, буюк алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари битилган паннолар, наширётлар фаолиятини ифодаловчи видеолархалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, ташриф буюр-

ганлар китобларни харид қилиш имкониятига ҳам эга. Айниқса, ёшлар болажонларнинг китобга чанқоқлиги ҳар қандай кишини қувонтиради.



Шоирот ШАРАПОВ олган сурат.

Фафур Фулом номидаги наширёт-матбаа ижодий уйи маҳсулотлари тақдим этилган майдон китобсеварлар билан гавжум. Боиси, улар ўзбек мумтоз ва жаҳон адабиёти намояндлари китобларини зўр қизиқиш билан кузатмоқдалар. Дарвоқе, наширётда «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» (юз жилдли), «Мақтаб адабиёти хрестоматияси», «Ҳазил соғинчи», «Ўзбек наъси», «Ўзбек назми», «Чин муҳаббат қиссалари», «Тафаккур ёлқинлари», «Болалар адабиёти» сингари рунклар остида мазмун-мундарижаси пишиқ, ўқувчи қалбига тез етиб борадиган адабиётлар

кирилл ҳамда лотин ёзувиге асосланган алифбода нашр этилаётти.

Ўртимизда ноширлик соҳасидаги изланишлар қўллаб-қувватланапти. Хусусан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Йилнинг энг яхши китоби» республика кўрик-танловини ўтказиш яхши аънамага айланган. Республика наширётлари ўртасида «Ижтимоий-сиёсий адабиёт», «Ватан тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «Арт-китоб» номинациялари бўйича ташкил этилаётган бундай тадбирлар ноширлик иши ривожига муҳим омил бўлаётти.

Китобхонлар ўртасида мутолаа маданиятига оид ижтимоий сўров, «Менинг биринчи китобим», «Китобхон оила», «Китоб — беминнат устоз», «Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади» каби мавзуларда интеллектуал ўйин ҳамда викториналар уюштирилди. «Баркамол авлод» болалар марказлари қоидаги тўғрақарак аззоларининг ижодий кўргазмалари намойиш этилмоқда.

Тадбир доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзусидаги туртинчи илмий-амалий конференция ўтказилиши кўзда тутилган.

Китоб — қалб чирого, тафаккур қаноти. Мазкур маънавият ҳамда маърифат айёми юртдошларимизнинг, чин китобхонларнинг кўнглига зиё улашиб, уларни баркамоллик сари етаклаши, шубҳасиз.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Нафосат ва бетакрор дизайн

пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида очилган «Beauty Expo Uzbekistan — 2016» ихтисослаштирилган гўзаллик саноати халқро кўргазмасида яққол намоён бўлмоқда

Мазкур кўргазмани ўтказишдан қўзғалган асосий мақсад соҳадаги ютуқларни кенг намойиш этиш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз ашёларини кўпайтириш, соҳа мутахассисларининг тажриба алмашишлари, хорж компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилари учун қулай имконият яратишдан иборатдир.

«Expo position» масъулияти чекланган жамияти томонидан уюштирилган ушбу тадбирда мамлакатимиз

КЎРГАЗМА

ларни туркумиди мидаги фирмалар, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Испания, Франция, Чехия, Польша каби давлатлардан юздан зиёд компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Кўргазмада гигиени воситалар, майиш кимё, биологик фаол моддалар, фармацевтик препаратлар, шифобахш шарбатлар, турли косметика ҳамда атторлик маҳсулотлари, замонавий либослар, саргарлик буюмлари, саргароҳона ва гўзаллик салонлари учун ускуналар намойиш қилинаётти.

Соҳада эришилаётган ютуқлар, айниқса, гўзаллик саноатидаги муваффақиятлар кўргазма павильонларига қўйилган маҳсулотларда ўз ифодасини топган. Масалан, уч йиллик тажрибага эга бўлган «Orion» компанияси қисқа даврда саноатлик ҳамда гўзаллик саноатида ўз ўрнини топди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Юксак марраларни кўзлаган авлод

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Мазкур акция доирасида вилоятнинг саккизта олий ўқув юрти, 280 дан зиёд умумтаълим мактаблари ҳамда 133 та академик лицей ва касб-хунар коллежиде ёшлар билан учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли ижодкорлар, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ҳамда иктидорли ёшлар иштирокида ўтган мулоқотлар чоғида истиқлол йилларида юртимизда қўлга киритилган муваффақиятлар, улкан бунёдкорлик ишлари, навқирон авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар хусусида сўз юритилди.

— Бундай тадбирларда мен ҳам фаол қатнашдим, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси М. Рузиева. — Бугунги дориламон кунларимиз ҳақида дилдан суҳбатлашдик. Дарҳақиқат, ҳар биримиз шу аъза Ватанимиз келажиги учун масъулмиз. Ўз иқтидоримиз, меҳнатимиз,

Маммадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КИТОБ — МЎЪЖИЗА, МУТОЛАА — ҲАЙРАТ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, қадриятларга чукўр эҳтиром туйғусини сингдиришга юксак эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёшлар келажигимиз, эртанги кунимизнинг сунъачи ва таянчидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури туфайли бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростилаган муҳташам ўқув масканлари, улардаги замонавий технологиялар ўсиб келаятган ўғил-қизларимиз камолотида қанчаллик муҳим ўрин эгалласа, китобга дўст бўлиш, мутолаага ошно тутиниш ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Бинобарин, ҳеч бир даврда китобнинг макеми йўқолмайди, аксинча, ортиб бораверади.

Тарихий манбалардан маълумки, Абу Али ибн Сино ўн беш ёшидаёқ доврўқ қозонган, Амир Темур саркарда сифатида танилганда ҳали ўттизга ҳам кирмаган эди. Мирзо Улуғбек ўз даврининг етуқ олими сифатида обрў-эътиборга эришганда ўн беш ёшда бўлса, шоирлар султони Алишер Навоий Фариддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» асарини дилига жойлаганида атиги олти-етти ёшларда бўлган.

Улуг бобокалонларимизнинг таржимаи холига оид бундай ҳайратомуз ҳислатлар ҳар биримизга ифтихор бахш этиши, шубҳасиз. Табиийки, уларнинг бу даражага эришишида илму маърифат, китобга бўлган муҳаббат бекиёс роль ўйнаган.

Шундай экан, фарзандларимизнинг буюк алломаларимизга муносиб ворислар бўлиб улғайишлари ҳар биримиз, хусусан, биз, ноширлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Зеро, мустақиллик туфайли бошқа наширётлар катори «Ўзбекистон» наширёт-матбаа ижодий уйи жамоаси учун ҳам бекиёс имкониятлар яратилди. Қолаверса, бугун ахборот асрида яшаётимиз. Аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборотга бўлган талабини қондириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, умуман, жамият тараққиётини жадаллаштиришда мазкур соҳанинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизга чукўр кириб бораётгани фуқаролик жамиятининг муҳим шарти ҳисобланган нодавлат ахборот тармоқларининг изчил шакллантирилаётганида, аънанавий маълумот тарқатиш манбалари каторида интернетнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганида ҳам яққол намоён бўлаётти. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда матбуот, ОАВ, наширёт ҳамда матбаа корхо-

налари фаолияти равнақиға алоҳида эътибор қаратилаёпти. Жумладан, ноширлик ташкилотларига жорий қилинган солиқ имтиёзлари ва энгилликлар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зусидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бунга мамлакатимизнинг энг йирик матбаа корхоналаридан бири — «Ўзбекистон» наширёт-матбаа ижодий уйининг фаолияти яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда бу ерда 700 нафардан зиёд малакали мутахассис ҳамда ишчилар меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан 60 дан ортиқ газета-журналлар, йилга 12 миллиондан зиёд мактаб дарсликлари ва 50 миллион донадан ортиқ ўқув дафтарлари, турли кўринишдаги қоғоз маҳсулотлари чоп этилаётти. Матбаачилик корхонаси фаолиятини кенгайтиришда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Негаки, ушбу ҳужжатда асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, модернизациялаш, техник ҳамда технология янгиллаш орқали меҳнат самарадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор устувор вазирлар белгиландики, уларнинг ижроси ўз самарасини берапти.

Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт даври ҳар бир соҳада изланиш ва янгиланишни тақозо этмоқда. Наширёт-матбаа ижодий уйида ижтимоий-иқтисодий ҳамда оммавий-сиёсий адабиётлар, ўқув адабиётлари, тасвирий босма маҳсулотлар, буюртма ва тижорат адабиётлари, хоржий тилларда китоблар, дарсликлар чоп этиш билан шуғулланувчи таҳририят бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Ижодий жамоамиз мустақил республикаимизнинг иқтисодий,

ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда олиб бораётган сиёсатини тарғиб қилувчи, унинг ички ҳамда ташқи сиёсатини, миллий истиқлол мафкураси моҳиятини оммага етказувчи китоблар ривожланиши чоп этмоқда. Улар орасида ўзбек, инглиз, рус тилларида қайта-қайта нашр қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», «Ўзбекистон Республикаси: қонун ва фармонлар», «Ўзбекистон Республикаси: фармон ва қарорлар» тўпламлари, «Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳалари» китоблари бор.

ФАХР

Юртбошимизнинг 23 жилддан иборат танланган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшама мажлиси ва сессияларда, чет эл сафарларида, халқаро анжуманларда, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида сўзлаган нутқлари ҳамда суҳбатлари ўрин олган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажиги буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» сингари рисоалари, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» деб номланган асарларининг нашр этилиши ўқувчилар, кенг жамоатчилик, халқимиз томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Айниқса, кейинги йилларда чоп қилинган китоблар орасида «Этироф», «Ўзбекистон юксалиш йўлида», «Она азиз, фарзанд мўтабар», «Ўзбекистон — жаннаткамон юрт» сингари рангли альбомлар ва тўпламлар, юртимизнинг тараққиёт сари қутлуг одимларини ёритувчи, халқимизнинг маданий-маърифий, илмий

меросини тарғиб қилувчи бадий ҳамда публицистик асарлар мавжуд. Шунингдек, китобхонлар соғинган «Минг бир кеча» эрталарининг саккиз жилди улар қўлига теғди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология янгиллаш мақсадида «Ўзбекистон» НМИУ томонидан умумий қиймати 5,8 миллион АҚШ долларини матбаа ускуналари харид қилинди. Ушбу ускуналар фойдаланишга топширилари натижасида 115 та иш ўрни ташкил этилди.

Хусусан, 2011 йилда қиймати 422 минг АҚШ долларини «LineOMatic» (Ҳиндистон) тўлиқ автоматлаштирилган дафтар линияси харид қилинди. Ҳозирги кунда унинг йиллик қувватидан тўла тўлиқ фойдаланиб, 30 миллион донадан ортиқ ўқув дафтарлари тайёрланмоқда. 2012 йилда эса муқовалаш ҳамда қатъий ҳисобдаги ҳужжатларни чоп этиш цехларининг ишлаб чиқариш воситалари паркинги мустаҳкамлаш мақсадида 333,2 минг АҚШ долларини «Perfecta Trim Star 80» (Германия) русумли уч томонлама кесги ускунаси ва 30,9 минг АҚШ долларини «Morgana FSN» (Англия) рақамлаш ускуналари ўрнатилди.

2016 йилда 40 та янги иш ўрни ташкил қилиниб, дастурда кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида корхона томонидан қиймати 577,1 минг АҚШ долларини «CityLine Express» (Ҳиндистон) русумли рулонли офсет усулида чоп этиш машинасини харид қилиш ва ўрнатилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, корхонамиз жамоаси ёш кадрларни ишга жалб этиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибага эга. Бу борада Чилонзор ва Тошкент матбаа касб-хунар коллежлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ушбу таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ўқувчиларга амалиёт ўтлашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

«Ўзбекистон» наширёт-матбаа ижодий уйи жамоаси халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилаёпти. Хусусан, унинг таркибидаги «Тонг гулдози», «Гулхан», «Гунча» сингари газета-журналлар болажонларнинг сезимли нашрларидир. Бундай ютуқ ҳамда муваффа-

қиятларнинг барчаси юртимизда ноширлик соҳасига давлат томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик самарасидир. Илгари пайтларда Ўзбекистонда саноки наширёт фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони ошиб, сифати ҳам кескин ўзгарган. Бунинг натижасида китобхонлар қўлига етиб бораётган маҳсулотларимиз замон талабларига тўла жавоб беради, дейиш мумкин. Айтайлик, биргина болажонларимиз ҳар кунги фойдаланидиган дафтар ёки китобларни қўлга оласак, уларнинг дизайни, муқоваси ва сифати юқориликка амин бўласиз. Тоза ҳамда сифатли дафтар эса ўқувчининг қалби, руҳиятига таъсир ўтказиб, унинг билим олишга бўлган интилишини янада кучайтиради.

Беихтиёр савол туғилади: агар мустақиллик, тинчлик бўлмаганида, биз шундай имкониятларга эга бўлармик? Йўқ, албатта. Ахир, бугун дунёнинг айрим давлатларида рўй бераётган низоолар, маънавий тубанликларнинг авж олиши қалби уйғоқ ҳар қандай одамни оғоҳ бўлишга ундайди. Бу ҳақда Президентимизнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисолидаги ушбу фикрлар алоҳида диққатга молик: «Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариёти эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳроқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қанонидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, ёзувчи «Эй, одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшагандсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилгандсан?» деган саволларни китобхон олдига, жамият олдига қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлаймкин, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини баҳарган бўлади».

Ҳар биримизни мушоҳадага ундовчи бундай қанотбахш сўзлар кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланди, бутун юртимиз узра қулоч эсаётган «Китоб байрами» тантаналарида ҳам тақрор ва тақрор тилга олинди, нафақат адилдорлик, балки ҳар бир соҳа вакили, айниқса, биз, ноширлар фаолиятида дастуриламал бўлиши зарурлиги таъкидланаёпти. Зеро, шаклидан қатъи назар, барча китоб миллий ўзлимиз ҳамда умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилиши айни муддаодир.

Зоир ИСАЖОНОВ, «Ўзбекистон» наширёт-матбаа ижодий уйи директори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташрифта келган қўездималар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифалаанди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6